



Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Гулобод қо'ғ'они.
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

140300, село Гулябад, Самарқандского района, Самарқандской области
Тел.: +998(366) 612-55-31, факс: +998(366) 612-55-90

С.г. «31» декабр

№ 1865/Т-К

Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ф. Қосимова агротехсервис» фирмаси ҳудудидан фуқаро Набиева Садолатга дурадгорлик устахонаси қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 26 февралдаги «Шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган бошқа объектлар учун ер участкалари бериш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 54-сонли ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларни ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси, (№ 10-15/36-579 сонли баёни, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг қарор ва фуқаро Набиева Садолатнинг туман ҳокимлигига берган аризаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. Самарқанд туман «Қайнама» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ф. Қосимова агротехсервис» фирмаси ер харитасининг 267 контуридан фуқаро Набиева Садолатга дурадгорлик устахонаси қуриш учун жами 0,06 га (шундан: 0,06 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган қишлоқ имой бино ва ҳовли ерлар) ер майдони ажратилсин.
3. Фуқаро Набиева Садолатга дурадгорлик устахонаси бино иншоотларини қуришдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шаҳарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал қилган ҳолда А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаб Давлат қурилиш назорат инспекцияси ва назорат инспекцияси рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (Ж. Хўжамуродов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З. Олимов)га таъминлансин.
5. Фуқаро Набиева Садолат томонидан «Ер кодекси»нинг 36-моддаси талаблари бузилган ҳолда ушбу қарор ўз кучини юқотган деб ҳисоблансин.
6. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Қурбонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров